

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 07/13.05.20.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДАЙБЕРГЕНОВ БАХРАМ КУАНЫШБАЕВИЧ**

**ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ  
ИНСТИТУТ СИФАТИДА**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-кидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation**

**Худайбергенов Бахрам Куанышбаевич**

Жиноят ишени кўзғатиш жиноят-процессуал институт сифатида.....3

**Худайбергенов Бахрам Куанышбаевич**

Возбуждение уголовного дела как уголовно-процессуальный институт.....27

**Khudaybergenov Bakhram Kuanishbaevich**

Initiation of a criminal case as a criminal procedure institution .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 07/13.05.20.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДАЙБЕРГЕНОВ БАХРАМ КУАНЫШБАЕВИЧ**

**ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ  
ИНСТИТУТ СИФАТИДА**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-кидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Yu513 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash](http://www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash)) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хидоятов Бахтияр Батирович**  
юридик фанлар номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Рахмонова Сурайё Махмудовна**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Муродов Бахтиёржон Баходирович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "29" март куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (989-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 7 мартда тарқатилди.

(2022 йил "7" мартдаги № "2" - рақамли реєстр баённомаси).



**Н.С.Салаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

**М.М.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**М.К.Ўразалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенгашидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноят процессини такомиллаштириш муаммоси жиноят ишлари юритувининг турли босқичларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи билан боғлиқлиги белгиланади. Жиноят ҳақида ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб, уларни синчковлик билан, тўлиқ ва холисона текшириш талаб этилади, чунки шу орқали ноқонуний жиноят ишларини кўзғатиш ва шахсларни жиноий жавобгарликка тортилиши ҳолатларининг олди олинади. Бу эса, ўз навбатида, жиноятчилик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади. Еврокомиссия ташкилотининг сўнги статистик маълумотларига кўра, аксарият Европа давлатларида жиноятларни рўйхатга олиш кўрсаткичлари ўзининг ўсиш тенденцияларига эга<sup>1</sup>. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Бош прокурорлари Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг ахборот материалига кўра, сўнги пайтларда Россия, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Тожикистон каби мамлакатларда қайд этилган жиноятлар сони 1,3% га ошган, айрим мамлакатларда эса, ушбу кўрсаткич ўртача даражани сақлаб қолган ва ҳаттоки, пасайган. Бундай кўрсаткичнинг пасайиши сабаби сифатида жиноятларни рўйхатга олиш методологиясининг ўзгариши (Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова), шунингдек жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш тартиби такомиллаштирилганлиги белгиланмоқда<sup>2</sup>.

Жаҳонда жиноят процессининг биринчи босқичини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий йўлларини ўрганишга эътибор кучайиб бормоқда. Жумладан, жиноят ҳақида ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, уларни мазмунан ҳал қилиш, жиноят ишини кўзғатиш босқичида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг процессуал мақомини тартибга солиш ва мансабдор шахсларнинг ушбу босқичдаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек қабул қилган қарорлари устидан шикоят қилишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида “фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш” белгиланди. Бунда асосий мақсад фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, уларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш ҳисобланади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/databrowser/view/crim\\_off\\_cat/default/table?lang=en](https://ec.europa.eu/eurostat/databrowser/view/crim_off_cat/default/table?lang=en)

<sup>2</sup> <http://www.ksgp-cis.ru/about/obzory/sostojanie-prestupnosti-v-2019-godu>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон

Амалга оширилаётган комплекс тадбирларга қарамасдан жиноят-ҳуқуқий статистикаси сўнгги йилларда республикамизда қайд этилган жиноятларнинг кескин ўсишини кўрсатмоқда. Шундай қилиб 2021 йилда рўйхатга олинган жиноятлар сони 2019 – 2020 йилларга нисбатан 1,12% га ошган<sup>1</sup>. Суд-тергов органларининг статистик маълумотлари ва материалларини ўрганиш натижалари таҳлили жиноят ишларини қўзғатишда ва қўзғатишни рад этишда кўпгина хатоликларга йўл қўйилганлигини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби жиноятларга оид ариза ва хабарларни рўйхатга олиш, уларни текшириш ва мазмунан ҳал қилишнинг ягона тартиби мавжуд эмаслиги, шунингдек уларнинг турли ички ва идоравий ҳужжатлар орқали тартибга солиниши билан ифодаланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016 й.), “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017 й.), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020 й.) фармонлари, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018 й.), “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019 й.) қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ва уларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда жиноят ишини қўзғатиш институти муаммолари Ғ.Абдумажидов, М.Д.Ботаев, З.Ф.Иногомжонова, Н.М.Кушаев, Д.М.Миразов, Б.А.Муминов, Б.Б.Муродов, Э.Х.Нарбутаев, Ю.С.Пулатов, А.Х.Раҳманкулов, С.М.Раҳмонова, Г.З.Тулаганова, У.А.Тухташева, Ш.Ф.Файзиев, Б.Б.Хидоятловларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган. Бироқ юқоридаги тадқиқотчиларнинг илмий ишларида жиноят ишини қўзғатишнинг таркибий элементлари, жиноят ишини қўзғатиш ва уни қўллаш амалиётини тартибга солиш масалалари комплекс концептуал таҳлил қилинмаган.

---

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. - № 6. - 70 б.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов департаментининг 25.06.2021 йилдаги №18/5018-сон хати; <https://stat.uz/>; <https://tergov.uz/>.

МДХ давлатлари олимларидан А.С.Александров, В.В.Артемова, Р.С.Акперов, Ф.Н.Багаутдинов, В.П.Божьев, В.М.Быков, С.Бажанов, В.Ю.Васильев, Ю.В.Деришев, И.С.Дикарев, Н.А.Данилова, Н.В.Жогин, В.С.Зеленецкий, И.А.Зинченко, В.В.Кальницкий, В.В.Кожарь, М.Г.Коридзе, В.М.Корнуков, А.С.Лизунов, Н.А.Логинов, П.Г.Марфицин, М.В.Мешков, В.Ю.Миллер, И.С.Нестер, С.Г.Ольков, И.Л.Петрухин, М.П.Поляков, С.Б.Россинский, А.П.Рыжаков, В.А.Семенцов, И.С.Смирнова, М.С.Строгович, А.А.Тарасов, В.В.Терехин, В.Т.Томин, Ф.Н.Фаткуллин, Г.П.Химичева, М.С.Шклярчук, С.А.Шейфер, В.А.Шиплюк, В.Н.Яшин кабилар ўз илмий ишларини жиноят ишини кўзғатиш институти муаммоларига бағишлаган.

Хорижий юрист-олимлардан Heribert Ostendorf, Heghmanns, Michael, Friedrich-Christian Schroeder, Torsten Verrel, Anton Bauer, Jacques Leroy ва бошқалар жиноят ишини кўзғатиш институти билан боғлиқ муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишган<sup>1</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ПЗ–2017093094 “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш” номли илмий-амалий грант лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноят ишини кўзғатиш институтининг муаммоларини комплекс тарзда тадқиқ қилиш, шунингдек, тадқиқот якуни бўйича олинган натижалар асосида қонунчиликни ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят ишини кўзғатиш институтининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш;

жиноят ишини кўзғатиш ҳуқуқий институтининг таркибий элементларини ўрганиш;

жиноят ишини кўзғатиш институтини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини таҳлил қилиш;

жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган процессуал шарт-шароитларни ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ва жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш фаолиятини таҳлил қилиш;

жиноят процессининг дастлабки босқичида давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини процессуал тартибга солиш масалалари, шунингдек, тегишли нормаларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш;

жиноят иши кўзғатиш институти нормаларини такомиллаштириш

---

<sup>1</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.



мақсадида илмий тажриба ва тергов амалиётини умумлаштириш;

жиноят ишини қўзғатиш ва уни қўллаш амалиётини тартибга солиш соҳасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноят иши қўзғатиш институтининг нормаларини амалга оширишда юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят ишини қўзғатиш институтини тартибга солувчи жиноят-процессуал ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий (анализ-синтез), социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, статистик маълумотлар таҳлили, қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш усулларидан фойдаланилган. Тадқиқотни амалга оширишда амалий таҳлил, анализ ва синтез, илмий-тарихий, илмий-назарий, илмий-статистик ва қиёсий-ҳуқуқий усуллар қўлланилган. Социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотлар таҳлили ва жиноят иши материалларини ўрганиш тадқиқот ишининг ишончилиги ва сифатини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида чиқарилган қарорнинг кўчирма нусхаси қонунийлик ва асослантирилганликни текшириш учун жиноят ишини тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборилиши шартлиги асослантирилган;

жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга шахслар тоифасига терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсни киритиш ҳамда шахс ёки унинг қилиниши эълон қилинган амнистия актига дахлдорлиги аниқланганда фақат суд томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад этиши шартлиги ва процессуал тартиби асослантирилган;

терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳамда белгиланган тартибда терговга тегишлилигига кўра бошқа тергов ёки суриштирув органига юборилиши мумкинлиги асослантирилган;

жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор назоратини таъминлаш мақсадида прокурор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши ва иш қўзғатишни рад қилиши ёки рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши ва айни вақтда иш қўзғатишга ваколатли эканлиги



асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жиноят ишини қўзғатиш институтига тааллуқли Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилди:

жиноят ишини қўзғатишгача бўлган терговга қадар текширув босқичи одил судловга эришишга тўсқинлик қилиши тўғрисида хулосага келинди;

хорижий тажриба ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш асосида хусусий, хусусий-оммавий, оммавий айблов бўйича, шунингдек айрим тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш тартибини жорий этиш таклиф этилди;

Жиноят-процессуал кодексида содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш тартибини аниқ тартибга солиш, шунингдек ушбу механизмни тартибга солувчи процессуал муддатларни белгилаш зарурати асосланди;

жиноят ишини қўзғатиш босқичига “ҳимоя”, “суд ҳимояси” ва “малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш” каби тушунчаларни жорий этиш зарурати белгиланди;

жиноят ишини қўзғатиш институти томонидан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларнинг фарқли жиҳатлари очиб берилди;

жиноят ишини қўзғатиш институтига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва такомиллаштириш зарурлиги асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Ушбу тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, айрим хорижий давлатларнинг қонунни қўллаш тажрибаси асосида ҳамда социологик тадқиқотлар, анкета сўров натижалари, элликка яқин жиноят ишлари материалларини ўрганиш асосида исботланган. Мазкур натижалар умумлаштирилган ҳолда, тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган, олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шакллантирилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклифлар ва тавсиялар жиноят-процессуал ҳуқуқи фанини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган хулосалардан келажакда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртларида дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот иши жиноят ишини қўзғатиш институти муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсия ва таклифлардан амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, дастлабки тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ходимларининг малакасини оширишда, суд ва

тергов органлари фаолиятида, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноятларни тергов қилиш методологияси, криминалистика, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят ишини кўзғатиш институтини тадқиқ этиш натижалари асосида:

терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида чиқарилган қарорнинг кўчирма нусхаси қонунийлик ва асосланганликни текшириш учун жиноят ишини тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборилиши шартлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 331-моддаси 3-қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06-15/31-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят ишини кўзғатиш босқичида процессуал қарорлар қабул қилишда қонунийликни таъминлашга хизмат қилган;

жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга шахслар тоифасига терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсни киритиш ҳамда шахс ёки унинг қилмиши эълон қилинган амнистия актига дахлдорлиги аниқланганда фақат суд томонидан жиноят ишини кўзғатишни рад этиши шартлиги ва процессуал тартиби тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 333-моддасини янги таҳрирда ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06-15/31-сон далолатномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини аниқ белгилашга хизмат қилган;

терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳамда белгиланган тартибда терговга тегишлилигига кўра бошқа тергов ёки суриштирув органига юборилиши юзасидан ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 336-моддасини янги таҳрирда ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06-15/31-сон далолатномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши жиноят ишини кўзғатиш босқичида дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг самарали механизмларини яратишга хизмат қилган;

жиноят ишини кўзғатиш босқичида прокурор назоратини таъминлаш мақсадида прокурор жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор

қилиши ва иш қўзғатишни рад қилиши ёки рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши ва айна вақтда иш қўзғатишга ваколатли эканлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 337-моддасини янги таҳрирда ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06-15/31-сон далолатномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор назоратини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан илмий журналларда 9 та мақола (6 та хорижда) чоп этилган ва 1 та монография тайёрланган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида жиноят ишини қўзғатиш институтининг ўрни ва аҳамияти”** номли биринчи бобида жиноят ишини қўзғатиш институти билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асосларининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши масалалари ёритилган.

Ушбу бобда муаллиф жиноят ишини қўзғатишни жиноят процессининг босқичларига қўйилган назарий ҳамда амалий мезонлар асосида таҳлил қилган ва ўрганиш якунида жиноят ишини қўзғатиш жиноят процесси босқичларига қўйилган талабларга жавоб бермайди, деган хулосага келган. Жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги ариза, хабарларни текширишда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш доираси чегараланган, процессуал

муносабатлар фақат Ўзбекистон Республикаси ЖПК нормалари билан тартибга солинган, унда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмаган, шунингдек, текширув натижаси бўйича якуний процессуал ҳужжат мавжуд эмас. Бундан тергов ҳаракатлари истисно бўлиб, уларни амалга оширмасдан туриб жиноят ҳақида ариза, хабарларни текшириш ва асосли қарор қабул қилиш мумкин эмас. Жиноят иши кўзғатилгунгача бўлган фаолиятда қонунда назарда тутилмаган бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин эмас. Ушбу босқичдаги ҳуқуқий муносабатларнинг аксарият қисми жиноят-процессуал нормалар билан эмас, балки маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади, шунинг учун жиноят ҳақида бериладиган ариза, хабарларни ўрганувчи шахсларнинг фаолияти жиноят ишлари юритуви доирасидан четга чиқади. Бинобарин, жиноят ишини кўзғатишга жиноят процессининг мустақил босқичи сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас.

Муаллиф “жиноят ишини кўзғатиш” атамасини кенг маънода ҳуқуқнинг бир қанча соҳалари нормаларини ўз ичига қамраб олган мураккаб тармоқлараро ҳуқуқий институт сифатида, тор маънода эса жиноятларнинг дастлабки тергов босқичида расмийлаштирилладиган процессуал ҳужжат сифатида тушунтиради. Шунингдек, ушбу бобда муаллиф Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 322-моддасида назарда тутилган жиноят ишини кўзғатишга асос ва сабабларни ўрганган. Диссертант шундай хулосага келадикки, жиноят ишини кўзғатиш сабаби жиноятлар тўғрисидаги хабарлар ва аризаларни қабул қилиш ҳамда рўйхатга олиш тартиби турлича бўлган ҳолларда махсус белгиланиши керак. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда муаллиф ЖПКда жиноят ишини кўзғатиш учун сабаблар рўйхатини қисқартиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Жиноят ишини кўзғатиш учун асос жиноят-процессуал қонунчилигида “етарли маълумотлар” баҳоловчи мезон билан ёритилган бўлиб, бироқ ушбу атаманинг моҳияти тўлиқ очиқ берилмаган.

Муаллифнинг фикрича, жиноят иши кўзғатилиши учун жиноят ким томонидан содир этганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиши шарт эмас. Бунинг учун жиноий ҳодисанинг юз берганлигини тасдиқловчи маълумотларнинг ўзи етарли ҳисобланади. Жиноят ишини кўзғатиш учун асос сифатида қонунчилик жиноий ҳодиса ёки жиноят таркибини эмас, айнан жиноят белгиларини назарда тутган. Бир томондан, бундай ёндашув жиноят ҳақидаги ариза, хабарларни текширишнинг ушбу босқичида қўлланиладиган усуллар билан жиноят белгиларининг барча юридик жиҳатларини аниқлашнинг иложиси йўқлигини ҳам инобатга олади. Шу билан бирга, бу ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари томонидан “жиноят белгилари”ни турлича талқин қилиш ва идоравий манфаатларни кўзлаб жиноят ишини кўзғатишни асоссиз равишда рад этилишига олиб келади. Жиноятларни рўйхатга олишни яширишга, жиноят ишини кўзғатишни асоссиз рад этишга оид статистик ва эмпирик маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, муаллиф шу каби ҳолатлар узоқ йиллар давомида мавжуд бўлиб, пасайиш тенденциясига эга эмас, деган хулосага келган. Шу боис, ушбу салбий ҳодисани бартараф

этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар таклиф этилади. Муаллиф суриштирув органларини уларнинг вазифаларига кирмайдиган ишлардан озод этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига кирмайдиган статистика органларига жиноятлар ҳисобини юритиш функциясини юклаш зарур, деб ҳисоблайди.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, бу борадаги асосий муаммолардан бири жиноят тўғрисидаги ариза, хабарни текшириш муддатининг бузилиши ва ушбу муддатнинг асосиз узайтирилиши ҳисобланади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушадиган дастлабки маълумотлар кўп ҳолларда жиноят белгиларининг мавжудлиги тўғрисида етарли маълумотларни ўз ичига олади, бу эса дарҳол жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради. Жиноят тўғрисидаги ариза, хабарни текшириш фақат қуйидаги ҳолларда зарур: а) жиноят белгилари тўғрисида етарли маълумот бўлмаса; б) жиноятнинг объектив томони тўғрисидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги; в) содир бўлган ҳодисанинг ҳуқуқий моҳияти ноаниқлиги. Шу билан бирга, муаллиф инсон ва моддий-техника ресурсларининг чекланган имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган жиноят ҳақидаги хабарни текшириш муддатларини маълум вақт сақлаб қолиниши мумкин деб ҳисоблайди, лекин жиноят-процессуал қонун нормаларида уларни узайтиришнинг аниқ асосларини кўрсатиб ўтиш зарур.

Диссертациянинг **“Жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этишнинг процессуал тартиби”** номли иккинчи бобида хусусий, хусусий-оммавий ва оммавий айбловлар бўйича жиноят ишини қўзғатиш тартиби, уни қўзғатишни рад этишнинг процессуал ва ташкилий масалалари таҳлил қилинган ва шу билан бирга мазкур институтга оид ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам атрофлича ўрганилган.

Муаллиф, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва оғирлигига қараб, жиноий таъқиб хусусий, хусусий-оммавий, оммавий тартибида амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Аксарият жиноят ишлари уларни қўзғатиш учун жабрланувчининг аризаси талаб қилинмайдиган оммавий айбловга оид, уларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлган, жиноий қилмиш содир этилганлиги тўғрисидаги фактнинг ўзи етарли.

Муаллиф хусусий айбловга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасининг биринчи қисмида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмида, 141<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишларини киритишни таклиф қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118, 119 ва 120-моддалари хусусий-оммавий айблов жиноятларига тегишли деб ҳисоблайди.

Амалдаги ЖПК нормаларини таҳлил қилиш орқали хулоса қилиш мумкинки, жиноят иши ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилганлик

ҳолати бўйича ёхуд жиноятни содир этганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган аниқ бир шахсга нисбатан қўзғатилиши мумкин. Айрим жиноятлар бўйича уни содир этишда гумон қилинаётган шахсни кўрсатмасдан туриб жиноят ишини қўзғатиш мумкин (Масалан, тухмат, ҳақорат қилиш). Бундай ҳолатда жиноят ишини қўзғатиш жиноий таъқиб бошланиши билан бир вақтга тўғри келади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида икки турдаги қарорларнинг аниқ фарқи кўрсатилмаган бўлиб, уларнинг мазмуни масаласида ноаниқлик келиб чиқади. Бу эса қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигига баҳо беришни қийинлаштириб, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Жиноят ишини ҳолат бўйича эмас, айнан бир шахсга нисбатан қўзғатиш шартларини қонунчиликда аниқ белгилаш зарурлиги тўғрисидаги хулоса муаллиф томонидан асослаб берилган. Бундай қарор, гарчи жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят содир этганлиги тахмин қилинаётган шахс тўғрисида энг кам миқдордаги маълумотлар мавжуд бўлса ҳам, қабул қилиниши лозим. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсларга нисбатан жиноят ишини қўзғатишда эса, бу борадаги муаммо бўлиши керак эмас.

Диссертацияда ЖПК нормаларининг ноаниқлиги айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган ҳолларда жиноят ишини тергов қилиш жараёнида қилмишни қайта квалификация қилишга халақит бериши ўрганиб чиқилган. Бу эса, нафақат бир қатор процессуал қарорлар қабул қилинишини мураккаблаштиради (масалан, терговга тегишлилигига кўра юбориш, жиноий жавобгарликка тортиш муддатини белгилаш тўғрисида), балки очилмаган жиноятларнинг тўғри статистик ҳисобга олинишига ҳам таъсир кўрсатиб, маълумотлар хатолигига олиб келади. Диссертант тергов жараёнида жиноят содир этган шахс аниқланганлиги ёки аниқланмаганлигидан қатъи назар жиноятнинг қўшимча белгилари ёки қўшимча таркиби юзага келганда, жиноят квалификациясини ўзгартириш шартлигини белгилаш лозим, деб ҳисоблайди. Муаллиф жиноят белгилари бўйича қўзғатилган ишлар бўйича ЖПКга янги мажбурий процессуал ҳужжат – жиноят квалификациясини ўзгартириш тўғрисидаги қарор қабул қилишнинг асослари ва тартибини белгилашни таклиф қилмоқда. Мазкур қарор бошқа процессуал қарорлар қабул қилишда ҳам қилмишнинг квалификациясини аниқлаш имконини беради (масалан, дастлабки терговни тўхтатиб туриш, жиноят ишини тугатиш тўғрисида). Шунингдек, ушбу бобда оммавий айблов бўйича жиноят ишини қўзғатувчи тегишли органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари таҳлил қилинган. Қонунчилик таҳлили шуни кўрсатдики, тергов органи (бошқармаси) бошлиғининг ваколатларига доир айрим нормаларда ноаниқликлар мавжуд. Масалан, қонун тергов органи (бошқармаси) бошлиғи томонидан жиноят иши қўзғатиш оқибатлари тўғрисидаги масалани эътибордан четда қолдирган, терговчига дастлабки тергов ўтказиш тўғрисида топшириқ бериш имконияти ҳам қонунда назарда тутилмаган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКда бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Муаллиф ушбу турдаги жиноий таъқибни кўзғатишнинг процессуал тартиби оммавий айблов бўйича ишларни кўзғатиш тартиби билан фарқланишига эътибор қаратади. Қонунда хусусий-оммавий айблов жиноят ишларини кўзғатиш фақат жабрланувчининг аризасига кўра амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бошқа жиҳатларга кўра, хусусий-айблов жиноят ишларини кўзғатиш тартиби оммавий айблов бўйича жиноят ишини кўзғатиш тартибига ўхшаш. Жабрланувчининг хоҳиш-иродаси жиноят иши кўзғатилгандагина юридик аҳамиятга эга бўлади. Жабрланувчи жиноят ишини тугатишга таъсир қила олмайди. Муаллифнинг фикрича, бу ҳолат жиноий таъқибнинг мазкур тури асосланадиган ҳуқуқ нормаларининг диспозитивлиги принципига мос келмайди. Диссертантнинг фикрича, жабрланувчини айбланувчи билан ярашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш унинг манфаатларига мос келмайди ва айбланувчини айбга иқроп бўлишига, етказилган зарарни қоплашга ундамайди. Хусусий ва хусусий-оммавий айблов жиноят ишининг тугатилиши томонлар ярашувининг табиий мантикий натижасидир.

Хусусий айблов бўйича жиноят ишини кўзғатиш тартибига оид қонунчиликнинг таҳлили ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг айрим нормаларига ўзгартиш киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга хусусий айблов бўйича жиноят иши кўзғатиш вақти аниқ белгиланмаган, жиноят белгилари бўлмаган тақдирда аризани қабул қилишни рад этиш тартиби кўрсатилмаган.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси ЖПКга тегишли ўзгартишлар киритиш орқали қонунчиликдаги кўрсатилган камчиликларни бартараф этишни таклиф қилади.

Муаллиф дахлсизликка эга бўлган айрим тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишини кўзғатишнинг процессуал тартибини қуйидагича таҳлил қилади: хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан; бошқа жиноятларни тергов қилиш жараёнида аниқланган жиноятлар бўйича жиноят ишини кўзғатиш тартиби.

Ушбу тоифадаги жиноят ишларини кўзғатиш тартиби турли сабабларга кўра ўзига хос процессуал хусусиятларга эга эканлиги кўрсатилган. Айрим тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишини кўзғатишнинг ўзига хослиги уларнинг муҳим давлат, жамоат ваколатлари ёки бошқа функцияларни бажариш билан боғлиқ. Республика ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан жиноят ишини кўзғатишнинг ўзига хос хусусиятлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Муаллиф ушбу тоифалар бўйича жиноят ишларини кўзғатишнинг амалдаги тартибини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, чет давлат ҳудудида жиноят содир этиб, Ўзбекистон Республикасига қайтган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан жиноят ишини кўзғатиш тартибини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 598-моддасига ўзгартириш киритишни таклиф қилади. Бундан ташқари, диссертант бошқа жиноятларни тергов қилиш жараёнида аниқланган



жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатилишининг ўзига хос хусусиятларини танқидий баҳолаб, амалдаги тартибни жиноятни ўз вақтида тергов қилишга қўшимча тўсиқ сифатида қарайди.

Муаллиф жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг процессуал тартибини ўрганиб чиқиб, жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи, белгиларни текшириш учун асос бўлувчи қарорда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг нормаларида назарда тутилган бундай қарорни қабул қилиш учун асослар, банд, қисм, моддага ҳаволаларни кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор қонунга хилоф ва (ёки) асоссиз қабул қилинмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, бунинг энг кўп учрайдиган сабаблари: жиноят ҳақидаги хабарни юзаки текшириш; ҳаддан ташқари сансалорликка йўл қўйиш; жиноят ҳақидаги хабарни текширишнинг процессуал муддатларининг бузилиши; шахснинг ҳаракатларига нотўғри ҳуқуқий баҳо бериш.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг шакли ва тафсилотлари тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлса-да, узоқ вақтдан буён дастлабки тергов органларининг амалиётида жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг кириш қисмида қарорнинг қабул қилинган вақти, жойи (дастлабки тергов органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми-шарифи, мансабдор шахснинг унвони, унинг процессуал мақоми) кўрсатилади, бундан ташқари қарорда тавсиф ҳам мавжуд.

Муаллифнинг фикрича, бир қатор материаллар бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг якуний қисмининг муҳим элементи келажакда шу каби жиноятларнинг олдини олиш мақсадида профилактика чоралари кўрилганлиги далолати сифатида эътироф этилиши керак. Қонунда зарур ҳолларда маъмурий, интизомий ҳуқуқбузарлик, ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга муносабат билдириш процессуал қарор қабул қилган шахснинг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш нафақат ҳуқуқи, балки бурчи ҳам эканлиги белгилаб қўйилган. Профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш усуллари турлича бўлиб, ишга (хизмат, ўқиш жойида) ҳисоботлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга маълумот бериш ва бошқалардан иборат.

Ушбу бобнинг тўртинчи параграфида айрим хорижий давлатларнинг жиноят ишини қўзғатиш (таъқиб)ни бошлашга оид жиноят-процессуал қонунчилигининг қиёсий таҳлили амалга оширилди.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичининг мавжудлиги мамлакат жиноят-процессуал қонунчилигининг моделига боғлиқ. Жиноят ишини қўзғатиш институти Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, МДҲ мамлакатларидан фарқли ўлароқ Европа континенти давлатлари ва АҚШ жиноят-процессуал қонунчилигида мавжуд эмас, чунки уларда жиноят ишини қўзғатиш босқичида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноят тўғрисида хабар келиб тушиши билан дарҳол жиноятни тергов қилишни бошлайдилар.

АҚШ ва Европа мамлакатларида бу босқич мавжуд эмас ва олинган

жиноят тўғрисидаги хабарни кўриб чиқишнинг дастлабки босқичида жиноят ишини қўзғатиш бўйича процессуал акт ҳам назарда тутилмаган. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи институтини батафсил ўрганиш учун миллий ва хорижий қонунчиликда ушбу босқичнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш керак. Миллий жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят ишини қўзғатиш босқичи институти ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаган.

Германия жиноят процессида жиноят ишини қўзғатиш институти ўрнига жиноий таъқиб институти мавжуд. Фарқи шундаки, жиноий таъқиб қилиш Германия ЖПКнинг 158-моддасига мувофиқ жиноят тўғрисидаги хабар ёки ариза олингандан сўнг дарҳол бошланади.

Францияда “жиноий таъқибни қўзғатиш” атамаси том маънода “оммавий даъвои қўзғатиш” деб ҳисобланади, чунки прокурорни жамоат ҳимоячиси, жамиятнинг ҳимоячиси дейиш мумкин. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича дастлабки тергов бошланишини фақат прокурор талаб қилиши мумкин, бу тоифадаги жиноятларда дастлабки тергов мажбурий босқич эмас. Жиноятларда эса, аксинча, дастлабки тергов мажбурий босқич ҳисобланади, лекин худди шу тарзда прокурорнинг қарори билан бошланади.

Франция жиноят процессида “жиноят ишини қўзғатиш” институти жиноят процессини очиб берадиган тарафларнинг ўз процессуал ҳаракатларини бажариши билан ифодаланади. Бундан ташқари, Франция ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу давлатда судгача иш юритиш босқичи дематериализация қилинмоқда, жумладан, жиноятлар, ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш тартиби электронлаштирилмоқда.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичининг генезисини ўрганиш натижасида бир қатор хорижий давлатлар ва миллий жиноят-процессуал ҳуқуқида мазкур институтнинг шаклланиши узок тарихий жараёни босиб ўтганлигини кўриш мумкин. Айрим ривожланган давлатларнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят ишини қўзғатиш институти бир неча асрлар давомида шаклланиб, ривожланган, лекин айрим давлатларда мазкур институт ҳозиргача мавжуд эмас. Шундай қилиб, жиноят ишини қўзғатиш институти дастлаб алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган бўлиб, қонун нормаларининг кодификацияси (умумлаштирилиши) жараёнида ЖПКда белгилаб қўйилган.

Тадқиқот ишининг **“Жиноят ишини қўзғатиш институтини такомиллаштириш муаммолари”** номли учинчи боби жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда процессуал муддатларга риоя қилиш хусусиятлари, шунингдек жиноят ишини қўзғатиш ва уни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан суд ва жамоатчилик назорати ўрнатиш масалаларига бағишланган.

Ушбу бобдаги жиноят ишини қўзғатиш институти муаммоларини таҳлил қилишда муаллиф шундай хулосага келганки, содир этилган ёки содир этилишига тайёргарлик кўрган жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва

хабарлар юзасидан ўтказилаётган текшириш фаолиятининг асосий муаммоси – бу жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш бўйича асослантирилган қарорни ўз вақтида қабул қилиши тартибга солилмаганлигидан иборат. Тергов хатолари судгача бўлган иш юритиш босқичида шикоят қилиш институтининг юзага келишига сабаб бўлади. Ушбу муаммолардан бири жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилишдир.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор процессуал ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи шахс ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолатларига асосланади. Ушбу ҳуқуқ суд жараёни иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахсларнинг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишдаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тизими таҳлили шуни кўрсатдики, манфаатдор шахслар томонидан шу каби шикоятлар фақат назорат қилувчи ёки юқори турувчи прокурорга берилиши мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳолатлар юзасидан шикоятлар бериш умумий тартибда кўриб чиқилади (масалан, жиноят тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад қилиш ёки суриштирув органининг ҳаракатсизлиги; текшириш ўтказмаслик ва қабул қилинган ариза юзасидан қарор қабул қилмаслик). Муаллиф томонидан жиноят процессининг дастлабки босқичидаги қарорлар ва ҳаракатлар устидан шикоят қилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишнинг қўшимча кафолатларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 338, 358, 381<sup>17</sup>-моддаларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаллиф фикрича, жиноят ишининг дастлабки босқичида шахс жиноят тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш устидан прокурорга, жиноят ишини қўзғатишни ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги ҳаракатлар устидан эса судга шикоят қилиш керак. Мазкур қоидалар жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлайди, деган хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК нормалари такомиллаштирилиши жараёнида, жиноят ишлари бўйича судгача бўлган иш юритишнинг турли босқичларида процессуал муддатларни тартибга солиш билан боғлиқ қатор муаммолар ҳал этилмасдан, эътибордан четда қолган. Улардан бири жиноят ишини қўзғатиш босқичида процессуал муддатларни қисқартириш зарурати мавжудлигидир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ва МДҲнинг аксарият давлатларида содир этилган жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширув ўтказишдан иборат тизим мавжудлигидан келиб чиқиш керак.

Муаллиф терговга қадар текшириш босқичи фаолиятининг самарасизлиги тўғрисида хулосага келиб, ушбу босқич одил судловга эришиш учун тўсиқ яратганлиги учун уни бекор қилишни таклиф қилмоқда.

## ХУЛОСА

Жинойт иши кўзғатиш институтининг муаммоларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги хулосаларга кединди:

### **I. Илмий-назарий хулосалар:**

1. Илмий қарашларни умумлаштириш шундай хулоса чиқариш имкониятини берадики, жиноят ишини кўзғатиш институти томонидан тартибга солинадиган муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиш уни икки шаклда кўриб чиқиш имконини беради: кенг маънода жиноят ишини кўзғатиш бир неча ҳуқуқ соҳаларининг нормаларини ўз ичига олган мураккаб тармоқлараро ҳуқуқий институт сифатида ва тор маънода дастлабки терговнинг бошланишини белгилайдиган процессуал қарор сифатида.

2. Жиноят ишини кўзғатиш институтининг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур институт тегишли мақсад ва вазифаларга эга бўлиб, улар келиб тушган жиноят ҳақида ариза ва хабарларда жиноят аломатлари мавжудлигини аниқлашдан иборат.

3. Жиноят ишини кўзғатиш босқичида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг процессуал мақоми аниқланмаганлиги, қабул қилинадиган процессуал қарорлар дуалистик хусусиятга эга эканлиги, жиноят ҳақида ариза ёки хабар берувчи шахс ва уларни қабул қилувчи орган ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий ва қисман жиноят-процессуал ҳуқуқий хусусиятга эгаллигини белгилайди.

4. Жиноят иши кўзғатилгунга қадар амалга оширилиши мумкин бўлган айрим тергов ҳаракатларини (кўздан кечириш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, экспертиза тайинлаш, тафтиш) ўтказиш масаласини қайта кўриб чиқиш шарт, чунки жиноят иши кўзғатилгунга қадар тергов ва процессуал ҳаракатларни шахсларнинг процессуал мақомини белгиламасдан амалга ошириш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклайди;

5. Жиноят ишини кўзғатишдан олдин шахсни “ушлаб туриш” процессуал ҳаракатининг амалга оширилиши ҳақидаги хулоса асосланди, чунки баъзи ҳолатлар кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади. Бироқ, бу ҳолатда ушлаб турилган шахсга гумонланувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланиш имкониятини яратиш зарур.

6. Жиноят ишини кўзғатиш босқичида тергов ҳаракатлари амалга оширилиши ушбу босқичда тўлақонли исбот қилиш амалга оширилиши ҳақидаги фикр асослантирилди, чунки ушбу ҳаракатлар текширувлар якуни бўйича қонуний ва асослантирилган процессуал қарор қабул қилиш мақсадида исбот қилиш усуллари (ёки воситалари) ёрдамида амалга оширилиши исботланди.

7. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 49-моддасига мувофиқ “ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга

бўлган шахсдир”. Адвокатлар ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишлари мумкин. Ишда иштирок этиш учун адвокат ўз гувоҳномаси ва муайян ишни бажариш ваколатини тасдиқловчи ордер тақдим этилгандан кейин рухсат этилади. Бу ерда ЖПК нормалари коллизияси юзага келади, чунки ушланган шахс ҳимоя ҳуқуқига эга бўлиб, аммо жиноят ишини қўзғатиш босқичида адвокатнинг иштироки етарли даражада тўлиқ тартибга солинмаган. Бу ҳолат жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушланган шахснинг алоҳида мақомини ва ҳуқуқларини аниқлаш зарурлигини таъкидлайди;

8. Жиноят процессида шахсларнинг аризаларига кўра иш қўзғатиш, томонларнинг ярашуви, шахсларнинг аризаларисиз ҳолат юзасидан иш қўзғатиш каби элементларнинг мавжудлигига қарамасдан жиноят процессида хусусий айблов, хусусий-оммавий ва оммавий айблов бўйича иш қўзғатиш тартиби белгиланмаган бўлиб, ушбу тартибни Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгилаш тўғрисидаги таклиф илгари сурилмоқда.

9. Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институтини тартибга солувчи нормалар ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, мазкур институтнинг предметини иш қўзғатишни рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор оқибатида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ташкил этиши, ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларини эса суриштирувчи, терговчи, прокурор, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, баъзан эса суд ҳам ташкил этиши тўғрисида хулоса чиқарилди.

10. “Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш” алоҳида ҳуқуқий институт ҳисобланиб, ушбу институт жиноят процессининг айрим вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши, чунки шахс асоссиз жиноий жавобгарликка тортилиши ва ноқонуний жиноят иши қўзғатилиши ҳолати бюджет маблағларининг асоссиз сарфланишига олиб келиши тўғрисида хулоса чиқарилди.

